

**Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл
транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни
ташиш фаолиятини лицензиялаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Лицензия талабгори - юридик шахс	<p>1. Лицензия олиш учун аризани ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. "Ўздавтемирийўлназорат" инспекциясига ариза ва ҳужжатларни бевосита, почта алоқа воситалари ёки улурнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан Ягона портал орқали электрон шаклда тақдим этади.</p>	лицензия талабгори хоҳишига қўра
2-босқич	"Ўздавтемирийўлназорат" инспекцияснинг лицензиялашни ташкил этиш бўлими (ишчи орган)	<p>1. Ариза ва ҳужжатларни рўйхат бўйича қабул қилади. ва унинг нусхасини ҳужжатлар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда ариза берувчига юборади (топширади).</p> <p>2. Жойига бориб, лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун шароитлар мувофиқлигини экспертизадан ўтказиши (текширади), текширув натижалари бўйича шароитларнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ёки номувофиқлиги юзасидан эксперт хулосасини ҳамда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор баённомаснинг лойиҳасини тайёрлайди ва уларни "Ўздавтемирийўлназорат" инспекцияси раҳбарига кўриб чиқиш учун киритади.</p> <p>Илгари лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилгандан кейин лицензия талабгори томонидан ҳужжатлар қайта тақдим этилган тақдирда, ҳужжатларни кўриб чиқади ва эксперт хулосасини тайёрлайди.</p>	<p>ҳужжатлар қабул қилинган кунда</p> <p>"Ўздавтемирийўлназорат" инспекциясига ариза келиб тушган кундан эътиборан 20 иш куни мобайнида</p> <p>ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин 5 иш куни мобайнида</p>

3-босқич	"Ўздавтемирийўлназ орат" инспекцияси рахбари	Рахбар ишчи органнинг эксперт хулосасини кўриб чиқади ва баённомани унда лицензия беришни ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.	эксперт хулосаси тақдим этилагандан кейин 10 иш куни (қайта кўриб чиқиладиганда 5 иш куни мобайнида)
4-босқич	"Ўздавтемирийўлназ орат" инспекцияси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани тўғрисидаги хабарнома билан бир вақтнинг ўзида лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия шартномаси юборилади. 2. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳолларда рад этиш тўғрисидаги хабарнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабабларини ҳамда лицензия талабгори томонидан кўрсатилган сабаблар бартараф этилиб, ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). 	тегишли қарор қабул қилингандан кейин 3 иш куни мобайнида
5-босқич	Лицензия талабгори	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лицензия бериш учун давлат божини тўлайди ва лицензия битимини имзолайди. 2. Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. 	лицензиатга лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан уч ойдан кечикмасдан лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада белгиланган муддатда
6-босқич	"Ўздавтемирийўлназ орат" инспекцияси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лицензия талабгори давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиб, лицензия битимини имзолаганидан кейин лицензия бланкасини расмийлаштиради ва лицензия реестрига тегишли ёзувларни киритади. 2. Лицензиатга тегишли лицензияни беради. 	лицензия битими имзоланиб, давлат божи тўлаганидан кейин икки кун муддатда